

«Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шахватларнинг мухаббати зийнатланди. Улар дунё хаётининг матохидир. Аллохнинг хузурида эса хуснли кайтар жой бор». (Оли Имрон 14)

«Шахват» сўзи урфда жинсий маънода ишлатиб келинади. Аслида эса шахват «иштаха» сўзидан олинган бўлиб, кўнгил тусаши, хохлашига айтилади. Ушбу ояти каримада одамларнинг кўнглига мухаббати зийнатланган, иштахалари доим тортиб турадиган нарсалар хақида сўз кетмокда.

«Сен: «Ўша нарсаларингиздан яхширогининг хабарини берайми?! Такво килганларга Роббилари хузурида остидан анхорлар окиб турган жаннатлар бор. Унда абадий колурлар. Покиза жуфтлар ва Аллох томонидан розилик бор. Ва Аллох бандаларни кўриб турувчидир», деб айт». (Оли Имрон. 15.)

Хамма бу дунёнинг матохига ўзини уради. Ўшани деб кўплар гунохга ботади, диндан чикади. Холбуки, бу нарсалар шунча уринишга арзимайдиган нарсалардир. Беш кунлик дунёнинг ўткинчи орзухаваси, холос. Лекин бошка тарафда ундан яхши, абадий неъматлар бор.

Мана шу адабий неъматга даъвогар бўладиган кимсаларнинг дуолари кандай бўлиши кераклиги кейинги оятда баён килинади:

Улар: «Роббимиз, албатта, биз иймон келтирдик, бизнинг гунохларимизни магфират килгин ва дўзах азобидан саклагин», дейдиганлардир. (Оли Имрон.16)

Ушбу дуонинг ўзидан уларнинг такводорликлари билиниб турибди. Улар иймон келтирганликларини эълон килиб, Парвардигорларидан гунохларини кечишини ва дўзах азобидан саклашни сўрашмокда. Шундан дуонинг ахамияти жуда хам улуг эканини билиб олсак бўлади. Банда доимий равишда, барча нарсада Аллох таолога ёлбориб турмаса, такводор бўлиши амри махол. Бу дуони килувчилар кандай сифатларга эга эканликлари келаси оятда келади, улар:

«Сабр килувчилар, содиклар, доимий тоат килувчилар, нафака килувчилар ва сахарда истигфор айтувчилардир». (Оли Имрон 17)

Ушбу сифатлар Ислом жамияти аъзоларининг хар бири учун зарурий сифатлардир. Сабр килувчиликда машаккатларга чидаш, иймон такозо киладиган ишларни амалга ошириш, Аллохнинг хукмини розилик билан кабул килиш ва бошка кўпгина фазилатлар бор.

Содикликда ўзи ишонган хак билан иззатли бўлиш, заифликдан устун туриш маънолари бор.

Аллохга доимий тоат килувчиликда эса Парвардигори оламнинг хаккини адо этиш, бандалик вазифасини бажариш маънолари бор.

Нафака килувчиликда, мол сарфлашда сахийлик, молга сизгиниш дардларидан халос

бўлиш, одамлар ўртасида инсоний биродарлик бурчларини адо этиш маънолари бор. Сахарда истигфор айтувчилик эса энг гўзал ва соф чоғда Аллох таолога дардини очиб солишдир.

Мазкур сифатларга эга бўлган одамлар учун барча нозу неъмат, роҳат-фарогат устига Аллох таолодан розилик ҳам бор.

Сахар чоғида калб мусаффо, рух тинч бўлади, у вақтда бедор бўлишнинг ўзи катта фазл хисобланади. Боз устига, у вақтда истигфор айтиш юксак мартабаларга эриштиради.

Улуг сахобалардан Абдуллох ибн Умар (розияллоху анху) кечаси намоз ўкиб бўлиб, хизматчиларидан: «Эй Нофеъ, сахар кирдими?» деб сўрардилар. Агар Нофеъ, ха, деса, тонг отгунча дуо ва истигфор билан машгул бўлар эдилар.

Демак, бу сафар биз ўрганётган дуо, сабр килувчи, содик, доимий тоат килувчи, нафака килувчи ва сахарларда истигфор айтувчиларнинг, ўтгинчи дунёга рағбат килмай, жаннат неъматларига даъво килган кишиларнинг дуоси экан.

Одинахон Мухаммад Юсуф